## Мактабга тайёрлов гуруҳи учун тасвирий фаолият учун дастур

## МТТНИНГ ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲЛАРИ УЧУН ТЕХНОЛОГИЯ ДАСТУРИ

**Қоғоз билан ишлаш (12 соат)** Хавфсизлик қоидалари ҳақида тушунча. Қайчидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш. Қалам, елим билан ишлашда меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш.

**Қоғозни буклаш усуллари хақида тушунча бериш:** қоғоз варағини тенг иккига буклаш учун қоғоз стол устига қўйилади ва ўнг ҳамда чап қўл билан қоғозни ўзига яқин турган томонининг икки учидан ушлаб, уни пастки учлари билан тенглаштирилади. Бунда қоғознинг қирраси бир-бирига тўғри тушиши керак. Ана шундагина қоғоз қўл билан текисланиб, унинг букилган чизиғи устидан тирноқ босиб юргизиш (“Қайиқча”, “Тўппи”, “Қушча”ва ҳ.к. ясаш).

Қоғоз буклаш, йиртиш, қирқиш йўли билан кичик сюжетли композициялар яратиш. Қоғоз буклаш, йиртиш, қирқиш йўли билан шаклларни ҳаракати ва пропорцияларини ёритган ҳолда кичик сюжетли композициялар яратиш.

Геометрик шакллардан предметли аппликациялар тузиш. Бизни ўраб турган нарсалар: уй, арча, дарахт, машина, идиш-товоқ, жониворлар, гуллар ва шу кабиларни у ёки бу даражада геометрик шакллар билан ифодалаш. Болаларнинг предметларни фазовий жойлашини идрок этишини ривожлантириш.

Қоғозни буклаш усулларидан фойдаланиб “Тойчоқ” ясаш.

**Қоғоздан ўйинчоқлар ясаш**. Қоғоздан буклаш усулида турли ҳажмдаги қайиқча, самолёт, қушча ва ҳ. к.ўйинчоқларни ясаш.

Мозаика усулида сабзавотлар шаклини ясаш.

Майдаланган рангли қоғозлардан сабзавотлар шаклига мозаика усулида, ёпиштириш ва ясаш (шаблон асосида)

**“Қишки ўйин-кулгилар”ни аппликация усулида ясаш**. Шакллардан арча, қорбобо, қор парчаларини аппликация усулида тайёрлаш ҳақида тушунча бериш. Шакллар асосида “Қишки ўйин-кулгилар”ни манзарасини аппликация усулида ясаш.

**Байрам учун атрибутлар, ниқоблар тайёрлаш.** Кўз билан чамалаб қоғоз парчасидан унчалик мураккаб бўлмаган предметлар, қушлар, ҳайвонларнинг силуэтини икки букланган ва бир неча марта қатланган қоғоздан нақшлар ва предметларни қирқиб олишга ўргатиш.

Тулки, айиқ, қуён ва ҳоказо ниқобларни айланма гардишга ёпиштириш.

“Онамнинг куни” байрам тадбири учун табрикнома тайёрлаш. 8-март байрамига байрам учун табрикнома тайёрлаш.

**Геометрик шакллардан** уй, қайиқ, байроқча ясаш. Шаклларни (квадрат ва тўғри тўртбурчак) фарқлаш ва айтишни, уларни қирқиб олишни, квадратларни диогналига қирқишни, учбурчак, трапецияга эга бўлиш учун қия кесиклар қилишни (уй, қайиқ, байроқча) ўргатиш.

Наврўз байрамига табрикнома тайёрлаш. Аппликация усулидан фойдаланиб, картон, рангли қоғозлардан байрам табрикномасини ясаш.

Болаларга қоғозни турли йўналишларда буклаш йўли билан (пилотка, шифокор қалпоқчаларини ясаш).

**Қоғоздан лола ясаш**. Қоғозни буклаш усулида лола ясаш.

**Қоғоздан қуш шаклини ясаш**. Қоғоздан буклаш усулида қуш шаклини ясаш.

**Мева ва сабзавотларни шакллардан ясаш**. Олма нок, олча, ўрик дарахти баргларини қирқиш

**Табиий ва турли материаллар билан ишлаш(12 соат)**

**Табиий материаллардан “Мавсумий ўзгаришлар” манзарасини ясаш**. Табиий материаллардан (барглардан) “Мавсумий ўзгаришлар” манзарасини тайёрлаш

**“Гуллаб яшнаётган баҳор”** Барглардан нақш композицияси. Барглардан баҳор компо-

Ilmiy.uz

зициясини тузиш.
**Барглардан парранда, қуш шаклларини ясаш**. Баргларни шаклини ва рангини тўғри танлаш, тўғри елимлаш. Товуқ, жўжа,  чумчуқ ясаш.
**Барглардан ҳайвонлар шаклларни ясаш**. Ҳайвонлар шакли тўғрисида тушунча. “Тошбақа”, “Сичқон” ва бошқа ҳайвонларни ясашнинг технологик харитаси ва ясаш босқичлари.
**Барглардан паррандалар шаклини ясаш**. Баргларнинг шаклини ва рангини тўғри танлаш, тўғри елимлаш. Товуқ, жўжача ва бошқа паррандаларни ясаш.
Доира ва тухумсимон шаклдаги предметлар (кузги япроқлар, жўжачалар ва ҳоказолар) тасвирини тасвирлаш.
Табиий ва турли материаллардан композиция яратиш. Жониворлар ва қушлар асосида аппликация усулида композиция яратиш.
Полиз маҳсулотлари уруғини йиғиш, саралаш, қуритиш усулларини ўргатиш.
Уруғлардан нақш тузиш. Чизилган нақш шаклига уруғлардан нақш тузиш.
**Балиқ шаклини ясаш**. Уруғларидан аппликация усулида балиқ шаклини ясаш.
**Бадиий қуриш ясаш ва техник моделлаштириш(12 соат)**
Қоғоздан турли оддий конструкциялар (*оригами*) ясаш.
Пазл, мозаика ва лего каби ўйинчоқлар ёрдамида камида 16 та бўлакдан  иборат шакл йиғиш.
**Китоб учун хатчўп ясаш**. Китоб учун хатчўп ясаш.
Тайёр шакллардан (*турли қутилардан в.б.*) конструкциялар: мебель, транспорт воситалари ясаш.

Лойиҳа